



# «IV International Book Edition of the countries of the Commonwealth of Independent States «BEST YOUNG SCIENTIST – 2021»

# «IV Международное книжное издание стран Содружества Независимых Государств «ЛУЧШИЙ МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ – 2021»

г. Нур-Султан, Казахстан, 2021 г.

ОБЪЕДИНЕНИЕ ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ В ФОРМЕ АССОЦИАЦИИ
«ОБЩЕНАЦИОНАЛЬНОЕ ДВИЖЕНИЕ «БОБЕК»
КОНГРЕСС УЧЕНЫХ КАЗАХСТАНА

# «IV Международное книжное издание стран Содружества Независимых Государств «ЛУЧШИЙ МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ – 2021»

# «IV International Book Edition of the countries of the Commonwealth of Independent States «BEST YOUNG SCIENTIST – 2021»

## XIV ТОМ

НУР-СУЛТАН – 2021

**УДК 001**
**ББК 70/79**
**Ж 33**

**Жауапты редактор:** PhD доктор Е. Абиев
**Ответственный редактор:** PhD доктор Е. Абиев

**Редакциялық алқа:** Е. Ешім
**Редакционный совет:** Е. Ешім

**Ж 33**
«IV Международное книжное издание стран Содружество Независимых Государств / «ЛУЧШИЙ МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ – 2021»: IV международная книжная коллекция научных работ молодых ученых – Нур-Султан, 2021 г. – 75 с.

**ISBN 978-601-332-991-8**

IV Международое книжное издание стран Содружества Независимых государств «ЛУЧШИЙ МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ – 2021» («Ученые - СНГ») является уникальным проектом нацеленым на пропаганду науки и личностных успехов молодых ученых всего СНГ и Европы.

Формирование научной базы IV Международного книжного издания стран СНГ / «ЛУЧШИЙ МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ – 2021», несомненно, будет способствовать значительному расширению информированности научно-педагогической общественности о развитии науки в странах СНГ и Европы.

В данном проекте приняли участие молодые ученые Республики Казахстан, Российской Федерации, Республики Узбекистан, Республики Таджикистан, Республики Киргизстан, Республики Беларусь и т.п. в рамках международного сотрудничества во благо дальнейшей интеграции науки.

IV The international book publication of the countries of the Commonwealth of Independent States "BEST YOUNG SCIENTIST – 2021" ("Scientists - CIS") is a unique project aimed at promoting the science and personal success of young scientists from all over the CIS and Europe.

The formation of the scientific base of the IV International Book Edition of the CIS countries / "BEST YOUNG SCIENTIST - 2021" will undoubtedly contribute to a significant increase in the awareness of the scientific and pedagogical community about the development of science in the CIS and Europe.

This project was attended by young scientists of the Republic of Kazakhstan, the Russian Federation, the Republic of Uzbekistan, the Republic of Tajikistan, the Republic of Kyrgyzstan, the Republic of Belarus, etc. in the framework of international cooperation for the benefit of further integration of science.

**УДК 001**
**ББК 70/79**

**ISBN 978-601-332-991-8**

**© ОЮЛ в форме ассоциации**
**«Общенациональное движение «Бобек», 2021**

# АНТИК ДАВР ФАЛСАФАСИДА ЭРКИНЛИК ФЕНОМЕНИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

**Рахимджанова Дилноз Суннат қизи**
**09.00.03. – Фалсафа тарихи**
**ихтисослиги таянч докторанти**
**Ўзбекистон Миллий университети**
**Тошкент, Ўзбекистон**

***Аннотация.*** *Мақола ўз ичига антик давр фалсафасида эркинлик феноменининг ўрни, унинг қандай шаклда талқин қилингани ва шу даврнинг ўзида трансформацияга учрагани тўғрисидаги таҳлилларни олади.*

***Калит сўзлар.*** *Эркинлик, маданият универсалияси, ҳуқуқий нормалар, ахлоқий эркинлик, ўзбошимчалик, қонун, ҳиссий олам, материя, тобелик, абсолют эркинлик, конституция.*

Эркинлик ҳар бир даврда энг бахсли тушунчалардан бири, гуманитар билимлар тадқиқотининг предмети, фалсафа ва ҳуқуқий фанларнинг идеали ва мўлжали бўлиб келган. Турли хил цивилизацион ривожланишда фаолият, хулк ва муносабатни бошкарувчи маданиятнинг асосий универсалияси сифатида кўшиш мумкин бўлган эркинликни моҳияти ва вазифалари ҳақидаги вариантли тасаввурлар иштирок этади. Маданиятнинг универсалияси кўринишида эркинлик фалсафада ва ҳуқукшуносликда ўзининг назарий асосланишини ва фикрланишини кўлга киритади. Шу ўринда, ҳуқукшуносликда у ҳуқукий маданият категорияси сифатида юзага чиқади.

Антик даврда эркинлик масаласи ушбу замон фалсафий таълимотларининг компаратив таҳлили мобайнида очиб кўрсатилганидек, у инсон фаолияти ва хулқи билан боғлиқлиги англанади. Маданият универсалияси каби эркинлик индивид танловига боғлиқ бўлган, ҳуқуқий нормалар ва ахлоқ, табиат факторлари ва ахлоқий тузилмалар билан ўзаро алоқадор ўзбошимча ва ўзбошимча бўлмаган фаолият характеристикаси сифатида юзага чиқади. Кундалик онг даражасида ва ҳеч нарсадан хабарсиз муҳитда эркинлик мифологик ва ахлоқий тасаввурларда актуаллаштирилади. Назарий шакллар акси кўринишида ҳуқуқий нормалар ва юридик кодекслар тақдим этилади. Эркинлик дискурси ва унинг маданият универсалияси сифатида фикрланиши эса антик давр муктафаккирларининг таълимот ва концепцияларида ўз аксини топади.

Эркинлик атамасини ўрганар эканмиз уни антиқ даврнинг юнон мумтоз фалсафасида тутган ўрнини таҳлил қилмасликни иложи йўк. Шундай экан, эркинлик масаласини уч йирик фигура, яъни Суқрот, Афлотун ва Арасту қарашларидаги динамикасини кўриб чикиш зарур саналади.

Шуни айтиш мумкинки, Сукрот юнон мумтоз фалсафасининг ривожланиш даврида биринчилардан бўлиб, эркинликдаги узилмас бўлган ахлоқий ҳамда сиёсий, жамоавий ва индивидуал ягоналикка, унинг ижодий характери ва танлов билан алоқадорлигига ўз эътиборини қаратган. Сукрот айтганларининг таҳлили позициясидан келиб чиққан холда, эркинликни англашнинг ахлоқий танловсиз ва этика нормаларига риоя қилишсиз имкони мавжуд эмас. Инчинун, инсонлар уларнинг ахлоқий тасаввурларини кўрсатувчи мулоҳазакорликка эга эканлар, у эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги танловда ёрдам беради. Инсон танлов холатига учраган пайтда, Сукрот бўйича, у доимо фаолиятли, актив жонзот сифатида гавдаланади. Шунинг учун ҳам у эҳтимолий алтернативалар билан тўкнаш келади. Ҳамда у амалга оширган танлов асосида жавобгарлик ва ахлокий баҳо ётади. “Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги танловда адашадиганлар жавобгарликни етарлича англамаганлар ҳамда хато ҳатти-ҳаракатлар қилган” [1, 183].

Сукротнинг шогирди Афлотун эса эркинликни идеал давлатдаги “эйдослар” кўринишида талқин этади. Фақат ижтимоий лифтлар йўқ ва фуқаролар даражаларга бўлиниши қонунлаштирилган социумни бундай моделида эркинлик катъий кўрсатмалар чегарасида фаолият доирасини ташкил этади. Чунки “хаддан ортиқ эркинлик давлат учун қулликка айланади” [3, 335]. Бироқ афлотунчилик позицияси бўйича индивид жавобгарлигини ва танловнинг бирон бир вариантларини мавжудлигини мужассамлаштирувчи давлат қонунларига риоя қилиш зарурияти тан олинади. Афлотун нуктаи назари бўйича, олдиндан айтилган “қонун кучга эга бўлмаган ва кимнингдир ҳокимяти кўли остида бўлган давлат инқирозга юз тутади. Қонун – бошкарувчи устидан ҳукмрон, улар эса – унинг бўйсунувчиси бўлган жойда мен давлат ва маъбудлар давлатга бериши мумкин бўлган жамийки неъматлар қутқарилишини кўраман” [4, 99]. Жумладан, айнан қонун “ягона асл эркинлик намоёндаси” [2, 22] бўлиб туради. Унда нафақат эркинликнинг мавжудлиги борасидаги, балки у индивидга керакми, унинг мавжудлиги қандай кўринишда қонунчиликка бўйсуниш ва давлат манфаатлари бирламчилиги зарурияти билан боғлиқ деган савол ўринлидир. Хусусийлик муносабатида умумийлик доминантлигини тан олувчи Афлотун қонунларга амал килиш ва анъаналар ортидан юриш эркинликни ортиқча қилиб қўяди, давлат манфаатларига хизмат қилишга халақит беради, бош кўтариш ва бўйсунмасликка чорлайди, деган хулосага келади. “эркинлик” эйдоси – давлатга хос сифатдир, индивиднинг эмас, давлат тузилмасининг идеал моделининг алоҳида ҳуқукидир.

Эркинликка яна бир ёндашув Арасту ижодида кузатилади. Эркинликни хатти-ҳаракат характеристикаси сифатида кўрган ҳолда, Арасту уни ўзбошимчалик ва эзгулик билан бирга кўриб чиқади. Барча фаолият турлари ўзбошимча ва ўзбошимча бўлмаганларга бўлинади. Биринчиси учун табиат ва ижтимоий тартибнинг ўрнатилган қоидаларига, нормаларига ва факторларига амал қилиш хосдир ёки улар оқибатларни билмаслик тарзида, яъни бехабарлик кўринишида амалга оширилади. Ўзбошимча фаолият учун эса ақлга мувофиклик ва асослилик зарурий шарт саналади, чунки улар барибир онгли равишда актуаллашади. Шундай кўринишда ақл ва билим ёрдамида фаолият ва қилмишларнинг мақсад ва воситаларини танлайдиган инсон фаолиятида танлов эркинлиги пайдо бўлади. Ўзбошимча ҳаракатлар, шундай қилиб, маълум бир эркинлик ва англанганликни ўзида акс эттиради. Бу эса ўз навбатида ўзининг қилмишларига жавобгарлик ҳиссини туғдиради.

Шу жумладан, Сукрот, Афлотун ва Арастуларнинг ишлари билан яхши таниш бўлган, улар асосида ўзларининг янги ёндашувларини яратган неоплатонизм вакилларининг фалсафий қарашлари алоҳида аҳамият касб этади. Неоплатончилар илк ибтидонинг – Ягона, Олам Ақли, Олам Руҳи, Коинот (табиат) ва материя сингари аста секин пастлашиб борувчи иерархик пиллапоясини белгилаган. Кўриб турганимиздек ушбу пиллапоянинг энг бошида энг ёркин нурга эга бўлган Ягона ёки Илоҳий илк ибтидо қарор топган бўлиб, оламдаги барча нарсалар эса мутлақ илк ягонанинг эврилиши (эманация) натижасидир. Шундай килиб, неоплатончиларнинг олам иморати барпо этилишининг якуний тартиби ҳар бир навбатдаги олий моҳият муқаррар равишда ўзидан кейин келувчи бирмунча паст бўлган моҳиятни келтириб чиқаришга асосланган.

Инсоний ҳаётнинг мақсади зарурий онгли ва ақл етадиган қониқишларига юксалиш учун моддий, сўнгра эса, ҳиссий эҳтиёжларини рад этишдан иборат ва уларнинг маъноси инсонни ўраб турган оламда Ягона тамойилларининг намоён бўлиши ҳамда яратилган олам иморатининг мутлақ онглилигини сингдирган ҳолда ушбу олам билан тўла бирлашиб кетиш ҳиссини бошдан кечиришдир. Шундай қилиб, Ягонага фақат аниқ мавжуд ҳамда фикрловчи ердаги мавжудот бўлган инсон эмас, балки жўшкинлик (экстаз) йўли билан ўз қалбини Худо билан бирикишини амалга оширувчи мавжудотгина эришиши мумкин. Бу энг олий ҳолат ҳам бўлиб, бундай ҳолатга ҳар бир киши ўзининг оддий ҳаётида эришиши мумкин.

Неоплатончиларнинг ҳиссий олам тўғрисидаги таълимотида бир томондан инсоний эркинликни эътироф этиш ва бошқа томондан Касб, Тақдир, Зарурат, Тасодиф ва ҳ.к.лар сингари руҳни “мажбурлашнинг” турли кўринишлари мавжудлиги ўртасида зиддият йўқ.

Неоплатончиларнинг кайта яратилган ёндашувига мувофик нимадир “индивидуал руҳнинг” эркинлигини унинг ўзи йўл қўйган айрим муносабатларида чеклаши мумкин. Бирон бир мавжудот ўз эркинлигидан тўлик воз кеча олмайди, факат мавжуд бўлмаган материя тўла эркин эмас, ҳамда ҳаракатланиш имкониятидан буткул маҳрумдир, шунинг учун хеч нарса “индивидуал руҳ” ҳаракатини тўлик “назорат кила олмайди”.

Акл ва Моҳият (барча руҳлардан “Энг олий ва энг эркини”) сифатидаги руҳнинг Касб деб аталувчи айрим бирга ҳаракати бир томондан Руҳнинг “ўзи қодир бўлмаган” нарсалар билан, хатто, тўлдирган ҳолда, руҳларга энг катта эркинликни таъминлашга, бошқа томондан руҳларнинг ёвуз ҳаракатлари оқибатини камайтиришга йўналтирилгандир. Шуни таъкидлаш жоизки, руҳнинг (Аклга таққослаганда) номукаммаллиги боис, ушбу ҳаракатларнинг бажарилиши мукаммал эмасдир. Ҳиссий оламдаги инсон ҳаракатларининг эркинлиги ушбу оламга хос бўлган “зарурат” ва “тасодиф” билан чеклангандир. Аммо ҳар қандай инсон қандайдир муносабатларда доимо эркинлигига карамасдан ҳам “эзгу” ҳам “ёвуз” ҳаракатларга доимо кодирдир.

Ҳар қандай “эзгу ҳаракат” (шу жамладан, инсоннинг ҳиссий оламдаги ҳаракати) Неъмат ҳаракатининг “намунаси” сифатида (яъни неъматнинг ҳаракатидан бир мунча эркинлиги камроқ, бироқ барибир муайян эркинликни саклаб коладиган) унга бошқача эркинликнинг тақдим этилишидир. Аксинча, ёвуз ҳаракат бошқача эркинликнинг чекланишидир. Эзгу ҳаракатларни содир этаётган инсон агар у буларни янада самаралироқ адо этишга интилса, ҳамда булар билан имкон қадар камроқ мукаррар бўлган ёвузликни келтирса, Акл оламига “юксалиши” ёки “қайтиши” бўлган ўзининг “юксалишидан” манфаатдордир. Аксинча, ўз эркинлигини ўз азоб-уқубатлари сабаби сифатида кўрган ҳолда, ундан қутулишга интилувчи инсон кундан кунга эркинлигини йўқотган ҳолда, “қуйига” тушиб боради. Шундай қилиб, унинг руҳи инсон озодлигидан озодлиги камроқ бўлган жониворларнинг танасига кўчиб ўтади. Бирон бир мавжудот эркинликни ва бу билан “қайтишга” бўлган умидини тўла йўқотишга қодир эмас.

Шундай қилиб неоплатончилар онтологиясини илк ибтидодан бошлаб материяга қадар катталашиб борувчи чекланган эркинликка эга бўлган “моҳиятлар” иерархияси сифатида талқин қилиш мумкин. Айнан эркинлик неоплатончилар тизимининг барча босқичларидаги богловчи тамойилдир. Неоплатончилар тизимидаги у ёки бу даражадаги барча мавжудот айрим муносабатларда ё эркин ҳаракатланувчи, ёхуд эркин ҳаракат (эркин танлов) натижаси бўлиб чиқади. Умуман олганда, неоплатончилар тизимидаги нимадир ўзи эркин бўлган даражада мавжуддир.

Юқорида айтилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда, эркинлик ўзида универсал маданиятни мужассамлаштиради. Уни моҳияти ва вазифаси бирлигида ижтимоий субъектларнинг регулятив хулқи фаолияти ва муносабати ётади. Ушбу унверсалиянинг актуаллаштирилишига учта асосий босқични ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчи босқичда – кундалик онг – ушбу тушунча орқали фаолиятларда, муносабатларда ва хулқларда йўл қўйиладиган ёки имкони мавжуд каби чегараларини белгилашади. Иккинчи – назарий онгнинг ҳуқуқий – босқичида ҳуқуқий маданият категорияси сифатида эркинлик мумкин бўлган ва назорат қиладиган нормаларни ҳамда уларнинг бузилишида жазога тортилишини аниқлайди. Учинчи – назарий онгнинг фалсафий – босқичида олдинги икки босқични устидан рефлексия амалга оширилади ва бир вақтнинг ўзида у маданият асоси дискурси сифатида намоён бўлади.

Анъанавий жамиятдаги кундалик онг даражасида эркинлик ҳақидаги тасаввурлар унинг хулқи ва фаолияти тарихий шаклланган доминантлари оркали аниқланади. Улар ҳам табиатан, ҳам ижтимоий характер каби акс этиши мумкин. Ананавий жамиятдаги назарий онгнинг ҳуқуқий босқичида эркинлик тушунчаси ҳуқуқий нормаларни ҳуқуқий низомлар ва кодекслар тизими орқали мустаҳкамлаган ҳолда, шаклланган ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий тузилмалар иерархияси спецификасини акс эттиради. Анъанавий жамиятдаги назарий онгнинг

фалсафий босқичида эркинлик тушунчаси қадим шарқ, антик давр ва ўрта асрлар мутафаккирлари таълимотларида мустаҳкамланади.

Шундай экан, бизнинг давримизда ҳам у жамиятимизда алоҳида ўринга эга. Унинг аксини ва ҳимоясини ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий хужжатларида кўплаб учратамиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида "эркинлик" сўзининг ўзи 18 маротаба ишлатилган. Ушбу атама давлат фуқароси, жамиятдаги ҳар бир шахс билан узвий боғланади. Уларнинг ҳимояси норматив хужжатларда белгиланиб қўйилган.

"Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади" [5] (13 модда).

Бу каби моддалардан яна бир қанчасини мисол қилиб келтириш мумкин. Конституцияда келтирилган эркинлик ҳақидаги барча қисмлар антик давр мутафаккирларининг қарашлари билан мос келишини исботлаш қийин кечмайди.

Арастуда барча қилмишлар эркинлиги ўзбошимчалик билан белгиланади. Бу ерда эркинлик салбий маъно касб этмайди. Шунчаки, инсон ҳар бир хатти-ҳаракатини эркин равишда бажариши назарда тутилиб, шунга мувофиқ тарзда уларга жавобгарликни ҳам фақат ўзи ўз бўйнига олиши тўғрисида гап кетган. Қонунда ҳам худди шундай. Ҳар бир фуқаро эркин, аммо шу билан бирга эркинлик қонун чегарасидан четга чиққан ҳолларда жазо чоралари қўлланилиши кўрсатиб ўтилган. Тўғри, антик даврдаги жамият ҳозирги жамият билан тубдан фарқ қилади. Бироқ эркинликнинг асл моҳияти ўзгармай қолган.

Жумладан, Афлотун фалсафий фикрларини таҳлили чоғида эркинликни ҳаддан ортиғи жамият ҳалокатига олиб келиши тўғрисидаги фикрлари, ҳозирги давргача бўлган тарихий тажрибадан келиб чиққан ҳолда, қанчалик ҳақиқатга яқинлигин кўришимиз мумкин. Ҳозирги даврда ҳам ёшлар эркинлик тушунчасини ҳар ким истаган ишини қилиши мумкин деган тушунча билан айнанлаштиришади. Аммо бу тарзда тушуниш ҳамда шу йўналишда ҳаракат қилиш жамият парокандалигига, бошбошдоқликка, умумий тизимнинг бузилишига олиб келади. Бу йиллар мобайнида шаклланиб келган ахлоқий принципларга ҳам путур етказади. Зеро, ҳар бир шахс эркинлиги бошқа бир шахс эркинлиги чегарасида тугайди. "Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт" [5] (20 модда).

Суқротнинг эркинликни ахлоқ билан боглаши ўзига хос маънони келтириб чиқарган. Инсоннинг эркинлиги жамият қонун-қоидаларига бўйсунган ҳолда, ахлоқий категориялардан бири бўлган эзгуликка интилиш билан алоқадордир. Шундай экан индивид ўзининг хусусий, моддий эҳтиёжларидан озод бўлиб, комилликка интилиши ҳақиқий абсолют эркинликка бўлган йўлни босиб ўтиш билан тенглаштирилади.

Абсолют эркинлик тўғрисидаги қарашлар неоплатонизм вакиллари томонидан яхши ривожлантирилгани тўғрисидаги маълумотни юқорида кўришимиз мумкин. Улар яна эркинликни индивидуал шахс билан боғлайдилар. Ҳеч ким бошқа шахснинг эркинлигини чегаралаб қўя олмайди. Буни яна бир модда билан ифодалашимиз мумкин:

"Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас." [5] (25 модда).

Эркинликни неоплатонизм таълимотларида жамиятга боғланган жойини учратишимиз қийин. Лекин шуни таъкидлаш керакки, улар худди Сукрот ва Афлотун каби руҳий эркинлик тўғрисида фикр юритадилар. Инсон эркинликни ўз танасида бир мунча йўқотади. Яъни унинг қалби эркин бўла олиши мумкин. Тана эҳтиёжлари эркинлик нурларини хиралаштиради.

Эркинликни ҳакикий ҳиссини тана ҳирслари қўлидан чиқиб. Ягоналикка интилиб бориш йўлида ҳис этишнинг иложи мавжуд.

Бу юқоридаги қарашлар эркинликни хото йўналишда тушунишни олдини олган ҳолатда. унинг асл моҳиятини очишга ёрдам беради. Шу каби қарашларни жамиятимизда шаклланиб келаётган ёш авлод руҳига сингдириш эса, жамият ва давлат ривожига ўз ҳиссасини қўшувчи ёшларни сафини кенгайтиради. Эркинликка нисбатан бу каби ёндашувлар унинг ҳозирги замонда ҳам келажакда ҳам ўрни бекиёс бўлишини таъминлайди. Зеро. инсоният мавжуд экан эркинлик тушунчаси ҳам у билан бирдек мавжуддир.

**Адабиётлар рўйхати:**


1. Брамбо Р.С. Философы древней Греции. М.: Центрполиграф. 2002.
2. Платон. Диалоги. М.: Мысль, 1986.
3. Платон. Собрание сочинений. В 4 томах. Т. 3. М.: Мысль, 1994.
4. Хрестоматия по философии: учебное пособие / сост.: П. В. Алексеев, А. В. Панин. М. : Проспект, 2004.
5. O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – T.: O’zbekiston, 2019.


## ОЦЕНКА КИШЕЧНОГО МНКРОБИОМА У ДЕТЕЙ С ДАГНОЗОМ ПНЕВМОНИЯ НА ФОНЕ ПРИЁМА АНТИБИОТИКОВ.


**Акпанова Сания Кудайбиргеновна**
магистр медицинских наук
НАО «Медицинский университет Астана,
Нур-Султан, Казахстан



***Аннотация:*** *кишечный микробиом детей претерпевает значительные изменения в течение первых пяти лет жизни. Лечение антибиотиками считается одним из наиболее значимых факторов, которые серьезно влияют на развитие кишечного микробиома у детей. Применение антибиотиков может привести к длительному изменению микробного сообщества или даже к постоянной гибели некоторых видов. Данное исследование направлено на определение воздействия пребиотиков кобыльего молока на разнообразие кишечных бактериальных сообществ и местной иммунной системы во время приема антибиотиков и после курса антибактериальной терапии.*



***Ключевые слова:*** *кишечный микробиом, антибиоикотерапия, пробиотики, местный иммунитет.*


Кишечная микробиота обладает способностью видоизменяться на протяжении всей жизни. Кишечная микробиота детей особенно подвержена различным изменениям под воздействием множества факторов, особенно при приеме антибиотиков. Антибиотики могут изменять микробный состав. что приводит к различным эффектам в зависимости от класса антибиотика, дозировки и продолжительности.

Нарушения кишечной микробиоты являются следствием иммунологической дисфункции и гуморального иммунитета. Иммунная система слизистого слоя формирует защитный барьер благодаря наличию собственного лимфоидного аппарата и иммунокомпетентных клеток. Микробиом кишечника находится в взаимосвязанном балансе с самой большой иммунной системой в организме - лимфоидной тканью кишечника (GALT), который вызывает иммунную толерантность слизистой оболочки.

# СОДЕРЖАНИЕ
# CONTENT

**А.Н.МЕЛИБОБОЕВ, М.Т.МИСИРОВА** ИССЛЕДОВАНИЕ АКТИВНОСТИ КАТАЛАЗЫ В ГОМОГЕНАТАХ ПЕЧЕНИ, ПОЧЕК, ПЖ И ТК СЫВОРОТКИ КРОВИ КРЫС В ДИНАМИКЕ ВНЕПЕЧЕНОЧНОГО ХОЛЕСТАЗА ........ 5

**Ф.А.УМАРОВ, С.Ш.САПАРГУЛИЕВ** (ТЕРМЕЗ, УЗБЕКИСТАН) БУДУЩЕЕ СИНТЕЗА ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ: ИММОБИЛИЗИРОВАННЫЕ БИОРАЗЛАГАЕМЫЕ ПОЛИМЕР НОСИТЕЛИ В ОСНОВЕ ТУТОВОГО ЩЁЛКОПРЯДА ........ 8

**СКРИПНИКОВА АНАСТАСИЯ ИВАНОВНА** (АЛМАТЫ, КАЗАХСТАН) WHAT DOES A LAPEL MICROPHONE MEAN FOR A JOURNALIST ........ 10

**МАХСУДОВ МУХАММАДБЕК ДИЛШОДБЕК УГЛИ** (ТАШКЕНТ, УЗБЕКИСТАН) НЕОБХОДИМОСТЬ СОЗДАНИЯ ГЕНЕРАЛЬНОЙ СХЕМЫ ДИВЕРСИФИКАЦИИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЗЕМЕЛЬНОГО ФОНДА ........ 15

**АБДУНАБИЕВ ҲИКМАТИЛЛА ЭҲИСОНОВИЧ** (ТЕРМЕЗ, УЗБЕКИСТАН) СУРХОН ВОҲАСИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН ........ 24

**МУХАМЕДСАДЫКОВА АЙГЕРИМ ЖУМАГАЗИЕВНА** (АЛМАТЫ, ҚАЗАҚСТАН) ОРМАН ҚАЙЫЗҒАҚШӨП (STACHYS SYLVATICA L.) ӨСІМДІК ШИКІЗАТЫНЫҢ ҒЫЛЫМИ ЖӘНЕ ХАЛЫҚ МЕДИЦИНАСЫНДА ҚОЛДАНЫЛУЫ ........ 29

**САИДОВ АСОМИДДИН КУРБОНОВИЧ** (ДУШАНБЕ, ТАДЖИКИСТАН) ИНТЕГРИРОВАННОЕ ОБУЧЕНИЕ КАК КЛЮЧЕВАЯ КОМПЕТЕНТНОСТЬ ПРИ ИЗУЧЕНИИ МАТЕМАТИЧЕСКОГО МОДЕЛИРОВАНИЯ В КУРСЕ ИНФОРМАТИКИ ...... 33

**UROLOVA DILSHODABONU OLIMJON QIZI** (TASHKENT, UZBEKISTAN) THE ROLE OF MASS MEDIA IN INCREASING THE POLITICAL AND LEGAL CULTURE OF YOUTH ....... 37

**KHUSHANOV ALISHER OYDINOVICH** (NUKUS KARAKALPAGISTAN) METHODOLOGICAL CHARACTERISTICS OF PROVERBS THAT USED IN "BOBURNOMA"........ 40

**РАХИМДЖАНОВА ДИЛНАВОЗ СУННАТ ҚИЗИ** (ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН) АНТИК ДАВР ФАЛСАФАСИДА ЭРКИНЛИК ФЕНОМЕНИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ........ 42

**АКПАНОВА САНИЯ КУДАЙБИРГЕНОВНА** (НУР-СУЛТАН, КАЗАХСТАН) ОЦЕНКА КИШЕЧНОГО МИКРОБИОМА У ДЕТЕЙ С ДАГНОЗОМ ПНЕВМОНИЯ НА ФОНЕ ПРИЁМА АНТИБИОТИКОВ ........ 46

**АБДРАЗАК КЫЗЫ АЙЗАТ** (ОШ, КЫРГЫЗСТАН) ЭКСТРАКЦИЯ, ИДЕНТИФИКАЦИЯ И КОЛИЧЕСТВЕННОЕ ОПРЕДЕЛЕНИЕ ИЗОФЛАВОНОИДОВ КУДЗУ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ПРИРОДНЫХ ГЛУБОКИХ ЭВТЕКТИЧЕСКИХ РАСТВОРИТЕЛЕЙ МЕТОДОМ ВЭЖХ ..... 49

**ДЖУРАЕВА ХУЛКАР** (ТАШКЕНТ, УЗБЕКИСТАН) ВЛИЯНИЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ НА СОЗНАНИЕ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЕЖИ ........ 54

**ТУРАШЕВА АЙШАТ ЮНУСОВНА** (ГРОЗНЫЙ, ЧЕЧЕНСКАЯ РЕСПУБЛИКА, РОССИЯ) ЭТНОКУЛЬТУРНАЯ ИНТЕГРАЦИЯ: АККУЛЬТУРАЦИЯ И ПРОБЛЕМА СОХРАНЕНИЯ ЭТНИЧНОСТИ ........ 55

**OLIMOVA MADINABONU MAKHMUDOVNA** (URGENCH, UZBEKISTAN) THE ACTUAL PROBLEMS OF DIETTHERAPY ........ 59

**ҚАМЗАЕВА КҮЛШАТ САЛИКҚЫЗЫ, СЕРІКБАЕВА ЭЛЬМИРА ҒАБДОЛҚЫЗЫ** (ҚЫЗЫЛОРДА, ҚАЗАҚСТАН) «ПЕДАГОГИКАЛЫҚ МЕНЕДЖМЕНТТІҢ ТЕОРИЯЛЫҚ НЕГІЗДЕРІ» ТАҚЫРЫБЫН ЖОҒАРЫ МЕКТЕПТЕ ОҚЫТУ ........ 61

**БАҚЫТ АЙЫМ БАҒАДАТҚЫЗЫ** (НҰР-СҰЛТАН, ҚАЗАҚСТАН) ИНТЕЛЛЕКТІЛІК ДАМУДЫҢ ГЕНЕТИКАЛЫҚ АСПЕКТІЛЕРІ ........ 66

**ЛУТАЙ АНАСТАСИЯ ОЛЕГОВНА, ЛУТАЙ СЕРГЕЙ СЕРГЕЕВИЧ** (УСТЬ-КАМЕНОГОРСК, КАЗАХСТАН) ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕТОДОВ ОПТИМИЗАЦИИ ДЛЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ КАЧЕСТВА СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ НА ПРИМЕРЕ ЦЕМЕНТНОЙ КОМПОЗИЦИОННОЙ СМЕСИ ........ 70